


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 23 февраль, № 37 (8380) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 22 февраль куни соҳа ва ҳудудларда рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Сўнгги уч йилда ахборот технологиялари соҳасига катта эътибор қаратилгани ўз натижасини беряпти. Ўтган йили IT-парк резидентлари 5 триллион сўмлик хизматлар кўрсатган, 140 миллион долларлик хизматларни экспорт қилган.

Мавжуд 715 та давлат хизматидан 370 таси рақамли платформага ўтказилган бўлиб, улардан ўтган йили 12 миллион аҳоли фойдаланган. Рақамлаштириш натижасида 70 дан ортиқ турдаги маълумот ва ҳужжатларни аҳолидан талаб қилиш бекор бўлган.

Лекин булар ҳали етарли эмас. Соҳа ва ҳудудларда қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Хусусан, вазирликларнинг 5 мингта функциясидан фақат 30 фоизи рақамлашган. Аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган ички ишлар, адлия, стандарт, соғлиқни сақлаш соҳаларида ўнлаб хизматлар электрон шаклга ўтказилмаган.

Ахборот технологиялари соҳасида маҳсулотнинг ҳам, экспортнинг ҳам асосий қисми Тошкент шаҳрига тўғри келяпти. Қорақалпоғистон, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида IT-парклар ҳалигача қуриб битказилмаган.

Йиғилишда шу каби камчиликлар таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар белгиланди.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасидаги хизматлар экспортини келгусида 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Бунинг учун камида 100 минг нафар малакали дастурчи, IT-архитектор, оператор ва муҳандислар керак. Ҳудудларда юқори тезликдаги интернет тармоғини кенгайтириш лозим. Хорижий IT-компаниялар кўпайиши учун янада қулай муҳит яратиш зарур. Аҳоли ва тадбиркорлар учун энг зарур бўлган янги электрон хизматларни ишга тушириш жоиз.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Аввало, Тошкент шаҳрида синовдан ўтган лойиҳалар барча вилоятларда жорий қилиниши белгиланди. Хусусан, пойтахтимизда Рақамли геопортал, Рақамли уй-жой коммунал, Халқ назорати каби тизимлар ишга туширилган эди. Шаҳар ҳокимлигида Рақамли ривожланиш департаменти тузилган эди. Энди ушбу департамент Рақамли технологиялар вазирлигига ўтказилиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудида рақамлаштиришга масъул бўлиши қайд этилди.

Барча бизнес жараёнлар ҳамда аҳоли учун энг зарур хизматларни тўлиқ рақамлаштириб, интеграция қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Биргина мисол: олдин мактаб ўқувчиларининг ягона базаси бўлмагани сабабли мактабларда синфлар миқдори турлича бўлган. Ўтган йили сентябрда мактаб, боғча, ФҲДЁ ва ички ишлар органларининг маълумотлари уйғунлаштирилгани натижасида асоссиз очилган 4 мингта синф қисқартирилган ва 350 миллиард сўм бюджет маблағи тежаб қолинган.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни бошқа соҳаларда ҳам амалга ошириш мумкинлигини таъкидлади. Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бу мақсадлар учун маблағ ажратиш, шунингдек, рақамлаштириш ҳисобига иқтисод қилинган маблағларнинг ярмини вазирлик ва ҳокимликларнинг ўзида қолдириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Рақамли технологиялар вазирлигига 26 та ахборот тизимини Ягона давлат хизматлари порталига бирлаштириб, ундаги хизматлар сонини 570 тага етказиш вазифаси қўйилди.

— Рақамлаштиришдан мақсад-муддаомиз нима ўзи? Одамларни рози қилиш, инсон қадрини жойига қўйиш, адолатни таъминлаш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент ёшларни ахборот технологияларига ўқитиш, ишлашига шароит ва маҳсулоти учун бозор яратиш зарурлигини таъкидлади.

Бу борада, 1 апрелдан "Электрон ҳукумат", "Бизнес учун дастур", таълим йўналишлари бўйича мукофот жамғармаси 1 миллион доллар бўлган Республика танлови бошланиши эълон қилинди. Шунингдек, ҳудудларда ёшлар яратган 50 та энг яхши дастур Рақамлаштириш жамғармалари ҳисобидан сотиб олинади.

Сўнгги икки йилда юртимизда 215 та IT-таълим маркази очилган. Бундай муассасаларни ва уларнинг битирувчиларини қўллаб-қувватлаш учун молиявий имтиёзлар берилиши айтилди. Жумладан, экспортчи компанияларга ишга жойлашган ҳар бир мутахассис учун 25 миллион сўмгача, имконияти чекланган ёшларга эса 35 миллион сўмгача субсидия ажратилади. IT-сертификати бор ёшларга компьютер хариди учун имтиёзли кредит уларнинг шахсий пластик картасига ўтказиб берилади.

"Бир миллион дастурчи" лойиҳаси ҳам ўз самарасини берди. Ҳозирда IT-парклар мутахассисларининг кўпчилиги шу дастурни тамомлаган ёшлар ҳисобланади.

Энди ёшларни "Coursera" платформаси орқали ўқитиш ҳам кенгайтирилади. Улар орасидан энг иқтидорлилари танлаб олиниб, алоҳида дастур асосида халқаро IT-бозор учун тайёрланади.

Йиғилишда соҳадаги экспортни кўпайтириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 300 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун хорижий буюртмаларни жалб қилишга қўшимча шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлади. Шу боис IT-паркда хорижий компаниялар учун Рақамли молия технологиялари маркази ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахборот ва таклифлари эшитилди.

**ЎзА.**

## МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ЯНГИЧА МАНЗАРАСИ

**Ўзбекистон қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик ва иттифоқчилик стратегиясини муваффақиятли тарзда илгари сурмоқда.**



***Ташқи сиёсатдаги рақобат ҳақида сўз борар экан, кўпинча коинотни тадқиқ этиш борасидаги ўзига хос пойгани — энг йирик давлатларнинг технологик жиҳатдан бир-биридан ўзиб кетишга бўлган тинкани қуритувчи ҳаракатларини мисол келтиришади. Шубҳасиз, сайёрамизни ўраб турган поёнсиз маконни забт этишга қаратилган ҳаракатлар ўз натижасини берди: биринчи сунъий йўлдош учирилди, инсоннинг коинотга илк парвози амалга оширилди, инсон биринчи марта Ойга қадам қўйди ва ҳакозо. Аммо шу саъй-ҳаракатлар рақобатда эмас, ҳамкорликда амалга оширилганида воқеалар бошқача тус олган: ютуқлар — янада салмоқли, сарфланган маблағ эса — нисбатан камроқ бўлган бўларди.***

**Нуқтаи назар**

Тадқиқотчиларнинг эслашича, Ойга парвоз қилиш бўйича Америка Қўшма Штатлари ва собиқ Шўро давлатининг қўшма лойиҳаси 1961 йилдаёқ амалга оширилиши мумкин эди. Лекин у рўёбга чиқмади. Шундай бўлсада, қарийб ўттиз йил хаёлий маъволардагина мавжуд бўлган ҳамкорлик ғояси, ниҳоят, самовий маконда ҳақиқатга айланди. Халқаро космик станциянинг ишга туширилиши жиддий тадқиқотлар ва салмоқли кашфиётлар даврини бошлаб берди.

Бундай ёндашув бугунги кунда дунёда кечаётган жараёнларга ҳамоҳанг дейиш мумкин. Ривожланиб борганимиз сари ечилиши керак бўлган масалалар ҳам қийинлашиб, кенгайиб бораверади. Бундай ҳолатда одамлар ҳам, мамлакатлар ҳам рақобатдан воз кечиб, бирлашишга, ҳамкорлик ўрнатишга интила бошлайди. Айнан шу йўл билан ортиқча харажатларни камайтириш, "янги велосипед ихтиро қилиб" бир-бирларининг ҳаракатларини такрорлаб ўтирмасдан мақсадга эришиш мумкин. Бу эса ҳар бир томон учун фойдалидир.

Албатта, рақобатга асосланган тафаккур доирасидан чиқа олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундай дунёқараш бизнинг минтақамизда ҳам ўнлаб йиллар давомида ҳукмрон бўлди. "Ким бойроқ? Кучлироқ? Муҳимроқ?" каби саволларга жавоб тариқасида берилган субъектив баҳолар қанчадан-қанча саъй-ҳаракатлару маблағларнинг исроф этилишига сабаб бўлди. Аслида улар фойдалироқ ишларга сарфланиши мумкин эди. Амалда эса чинданам муҳим бўлган муаммолар четда қолиб кетаверди, зиддиятлар тобора кескинлашиб, очиқчасига қарама-қаршиликлар юзага келиш эҳтимоли орта борди.

Бундай вазиятдан чиқиш учун чинакам ўзгаришлар рўй бериши керак эди. Ва бу олти йил муқаддам юз берди: Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё минтақасини янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилди.

➔ 2

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ ҲАМИША УСТУВОР

**БМТнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган махсус тадбирида Ўзбекистон конституциявий ислоҳотларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган асосий йўналишлари тақдим этилди.**

**Эътироф**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Бутунжаҳон ижтимоий адолат кунига бағишланган "Тўсиқларни енгиб ўтиш ва ижтимоий адолат имкониятларини очиш" мавзуида интерфаол мулоқот бўлиб ўтди.

БМТ Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад ўз видеомурожаатида аҳоли турмуш шароитини барбод қилган ва тенгсизликни кучайтирган COVID-19 пандемиясидан кейин бутун дунёда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тиклаш бўйича фаол чора-тадбирлар кўрилаётганини таъкидлади. Унинг айтишича, 2021 йилда ишга туширилган БМТнинг Бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича глобал акселератори муносиб иш ўринларини яратиш, универсал ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш ва углеродсиз келажак сари ҳаракатланиш учун самарали восита ҳисобланади.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Бош директори Гилберт Хунбо коронавирус пандемияси, геосиёсий ўзгаришлар, иқтисодий инқироз ва табиий офатларнинг меҳнат бозорларига салбий таъсирига эътибор қаратди. Унинг ҳисоб-китобларига кўра шаҳарларда бандлик 2023 йилда атиги 1 фоизга ўсади, бу ўтган йилги кўрсаткичларнинг ярмидан кам. Айни пайтда дунёда 200 миллиондан ортиқ ишчилар қашшоқликда яшайди. У ХМТнинг 2023 йилда Ижтимоий адолат учун глобал коалиция ижтимоий ҳимоя, муносиб иш жойларига киришни ошириш ва жамиятларда тенгсизликни камайтириш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни бошлаш учун режалаштирилган вазифаларини эълон қилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Бахтиёр Ибрагимов тадбир иштирокчиларига мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ҳақида маълумот берди.

Асосий Қонунимизда ижтимоий адолат тамойиллари мустаҳкам белгилаб қўйилгани ва улар мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар замирида тургани алоҳида таъкидланди. Конституциямизнинг 14-моддасида: "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади", деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳот давлатнинг аҳолини ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича мажбуриятларини, шу жумладан, ишсизликдан ҳимоя қилиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлганларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни таъминлашга қаратилгани алоҳида қайд этилди.

Тадбир иштирокчилари Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасида эришилаётган аниқ натижалар билан таништирилди.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мазмун-моҳияти, шунингдек, мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси ҳақидаги маълумотлар билан ҳам ўртоқлашилди.

**«Дунё» АА.**
Нью-Йорк

**Олий Мажлис қуйи палатасида**

## ҚОНУНЛАРГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ЗАРУРАТИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.*

### Комиссиялар фаолияти самарадорлиги ошади

Мажлисда дастлаб "Болалар масалалари бўйича комиссиялар ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни доимо қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз раҳбарлигида болаларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билим олиши, ўз қобилият ва иқтидорини намоён этиши учун барча шароит яратилмоқда. Бу борада бола ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Болалар омбудсмани институти фаолияти йўлга қўйилгани уларнинг қадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари муҳофазасига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг тегишли Фармони билан Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари тегишлича Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари этиб қайта ташкил қилинган эди.

Аммо амалдаги қонун ҳужжатларида "вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар" тушунчаси ишлатиб келинмоқда. Мазкур ҳолат Болалар масалалари бўйича комиссиялар томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни қонунчилик асосида тўлиқ амалга оширишда ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўляпти.

Бу каби масалалар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига мазкур комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи ўзгартишлар киритиш заруриятини юзага келтирмоқда. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасидаги нормалар болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва улар фаолиятини самарали уюштиришга йўл очади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутаталар томонидан қабул қилинди.

### Фермер ва деҳқон хўжаликларининг сувдан фойдаланиш ҳуқуқлари такомиллаштирилмоқда

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар аграр ва сув хўжалигини ривожлантириш йўналишларида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларида фаолият кўрсатаётган сув истеъмолчилари ва туман ирригация бўлимлари ўртасида сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома тузилиши белгиланган.

➔ 3

**Сенатор ва ҳаёт**

## ЎРГАНИШЛАР НАТИЖАЛАРИ ЯЛПИ МАЖЛИСДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

*Аввал хабар берилганидек, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов ҳамда қўмита раиси ўринбосари Т. Мадумаров бошчилигида тузилган ишчи гуруҳ томонидан Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармасида ўрганишлар ўтказилди.*

Ўрганишлар давомида ишчи гуруҳ аъзолари вилоят ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизмати Жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхонасида бўлиб, у ерда маҳбуслар учун яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишдилар.

Таъкидланишича, бу ердаги шахслар жамоат тартибини бузганлиги ёки ички ишлар ходимлари буйруғига бўйсунмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Бўлиб ўтган суҳбат асносида бу ерда яратилган шароитлар ҳамда уларни қийнаётган муаммолар таҳлилдан ўтказилди.

Сенаторлар ҳайдовчилик гувоҳномаси беришга мўлжалланган Имтиҳон олиш марказида бўлиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тақдимоти, шунингдек, ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби, ўқитиш тизими тўғрисидаги маълумотлар билан танишди.

Ишчи гуруҳнинг навбатдаги манзили — Янгиер шаҳар ИИБ бўлди. Масъул ходимлар ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури тақдимотини ўтказди.

➔ 3

**Биз ва жаҳон**

## МИСР ТАРИХИДА ЎЗБЕКЛАРНИНГ МУҲИМ ЎРНИ

*Миср дунёдаги энг қадим мамлакатлардан бири бўлиб, 50 асрдан кўпроқ тарихга эга. Эътиборлиси, Мисрнинг узоқ тарихи давомида, унинг сиёсий-идоравий, ижтимоий-маданий ҳаётида ўзбеклар ҳам алоҳида ўрин тутган. Хусусан, манбаларда ўзбеклар Мисрда волийлик, ҳокимлик қилишгани, нуфузли маҳкамаларда раҳбар, амир, қўшинга қўмондон бўлишгани ҳақида келтирилади.*

Умуман, марказий осиёликларнинг Яқин Шарқ ҳудудига кириб келиши узоқ тарихга эга бўлиб, аббосийлар сулоласи бошқаруви йилларида қўшин таркибида Ўрта осиёлик туркийлар алоҳида нуфузга эга эди. Улар аббосий ҳукмдорлар билан биргаликда ва улардан кейинги йилларда мамлуклар салтанати таркибида ислом дини равнақи йўлида хизмат қилиб, Яқин Шарқ ҳудудларида мустақил амирликларни ташкил этди. Шунингдек, мавжуд ҳукмдор сулолалари саройида нуфузли мансабларда хизмат қилишган.

Аббосийлар халифалиги даврида асли бухоролик Аҳмад ибн Тулун оиласи Мисрда мустақил давлат барпо этиб, 868 (254 ҳижрий) йили Тулуния давлатига асос солди. Бу оила Мисрда ўттиз саккиз йил ҳукмронлик қилди. Бу йиллар Миср тарихида ёрқин из қолдирган давр ҳисобланади. Ибн Тулун ўткир сиёсатчи, моҳир раҳбар, ҳарбий соҳада ҳам билағон мутахассис эди. У бошқарган йиллар Мисрда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлди, одамлар хотиржам ва тўқ ҳаёт кечиришган. У деҳқончилик соҳасига алоҳида эътибор қаратди, янги йўллар қурдирди. Шаҳар атрофи девор билан ўралди, хусусан, "Акал ҳасийна" қалъаси қурилди.

➔ 3

# МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ЯНГИЧА МАНЗАРАСИ

## Ўзбекистон қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик ва иттифоқчилик стратегиясини муваффақиятли тарзда илгари сурмоқда.

1 Бу ғоянинг амалдаги рўёби сифатида минтақадаги давлатлар раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари уюштирилди ва мунтазам давом этмоқда. Бундай учрашувларда Марказий Осиёнинг улкан салоҳиятидан тўла фойдаланишга қаратилган, муҳими, барча тарафларнинг манфаатлари ҳисобга олинган аниқ чора-тадбирлар белгиланади. Сиёсий ирода туфайли тарихан қисқа муддатда қўшни давлатлар бир-бирларини тинглаган ҳолда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳамкорликда ҳал қила бошладилар. Иқтисодий ҳамкорлик янги босқичга чиқди, одамларнинг ўзаро борди-келдилари анча соддалашди. Яқин-яқингача буни тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Минтақада мутлақо бошқача сиёсий муҳит шаклландики, буни бугун бутун дунё тан олмоқда ва айниқса, улкан маконда хавфсизлик ва тараққиётни таъминлашда ўта муҳим бўлган бу ишда Ўзбекистон етакчисининг роли ва ҳиссаси алоҳида эътироф этилмоқда.



— Сиз Марказий Осиёдаги бешта мамлакатнинг минтақавий ҳамкорлигини кенгайтириш орқали қўшни мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганингизни алоҳида қайд этмоқчиман, — дейилади шу кунларда Шавкат Мирзиёев номига Америка Қўшма Штатлари Президенти Жо Байдендан келган мактубда. — Бу саъй-ҳаракатлар Марказий Осиёда ва унинг ташқарисида равнақ ва барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

### Кутилаётган ўсиш — залварли

Бир қатор экспертларнинг баҳолашича, минтақа давлатларининг умумий ЯИМ кейинги тўрт йилда 25 фоизга ўсиб, 300 миллиард доллардан ортди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги қўшнилари билан савдо айланмаси 2,6 баравар кўпайди ва 6,5 миллиард доллардан ошди. Яқинда Европа тикланиш ва тараққиёт банки минтақавий иқтисодий истиқболлар тўғрисидаги маърузасини чоп этди. Тадқиқотга кўра, ушбу молиявий муассаса таҳлилчилари Марказий Осиёда энг юқори ўсиш суръатини кутишмоқда.

Мазкур банк ишлайдиган мамлакатлар бўйича умумий олганда, жорий йил учун башорат қилинаётган ўсиш фақат 2,1 фоизни ташкил этади. Бунда иқтисодчилар давлатларнинг ярмидан кўпи, айниқса, Евроиттифоқ доирасидаги давлатлар учун кутилмаларни пасайтиришди. Шундай шароитда Марказий Осиё ЕТТБнинг энг фаол ривожланадиган минтақасига айланади, дея таъкидланади маърузада. Жорий йилда иқтисодиётнинг умумий ўсиши — 4,9 фоиз, 2024 йилда эса 5,4 фоиз бўлиши башорат қилинмоқда.

Мамлакатлар кесимидаги башорат бўйича эса, Ўзбекистан иқтисодиёти жорий йилда 6,5 фоизга ортади. Кейинги йилларда муносабатларимиз изчиллигига яққол мисол бўла оладиган Туркманистонда ҳам шундай кўрсаткич кутилмоқда.

Ҳамманинг эсида Президент Шавкат Мирзиёевнинг илк хорижий сафари Туркманистонга бўлган ва бу воқеа дунё ҳамжамиятига янги Ўзбекистон, энг аввало, ўз қўшнилари билан ҳамкорликни кучайтирмоқчи эканини, бу алоқалар ҳар икки томонга ҳам катта фойда келтирган ҳолда йилдан-йилга мустаҳкамланиб боришини кўрсатиб берганди.

Президентимизнинг ўтган йили октябрда бўлиб ўтган Ашхободга давлат ташрифи ҳамда самарали музокаралар якунлари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яқин қўшничилик ва стратегик ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилди. Мазкур ташрифни катта қизиқиш билан кузатган ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари ва экспертлар фикрича, учрашув Тошкентнинг Марказий Осиёдаги позицияси янада кучаётганининг ва умуман, давлатимиз ташқи сиёсати самарадорлигининг ёрқин далолатидир.

"Жанубий Кавказ" сиёсатшунослар клуби раҳбари, озарбайжонлик Ильгар Велизаденинг фикрича, Ўзбекистон минтақадаги барча давлатлар билан икки томонлама муносабатларини сезиларли даражада кучайтирди. Туркманистонга ташриф эса Марказий Осиёда мулоқотни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси барқарор ўсиб, ўтган йил якуни бўйича миллиард долларга яқинлашганини айтиб ўтиш кифоя. Яқин йилларда томонлар товар айирбошлаш ҳажмини икки баравар ошириш ва таркибини сифат жиҳатдан такомиллаштириш ниятида.

Оммавий ахборот воситаларида хабар берилганидек, Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Сердар Бердимуҳамедов икки мамлакат ўртасидаги Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни олқишлар остида имзолашди. Унинг асосида савдо-иқтисодий алоқаларни янада яхшилаш мақсади бўлса-да, икки қўшни мамлакат маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ҳам унутмайдилар. 2018 йили мамлакатимиз пойтахтида "Ашхобод" боғи очилган эди. Туркманистон пойтахти Ашхободда эса "Тошкент" боғи очилди. Бу икки боғ Ўзбекистон ва Туркманистон халқлари ўртасидаги узвий ришталарнинг ифодаси бўлди.

Шу йил февраль ойи бошида Ўзбекистон ва Туркманистон дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлашди. Қўшничилик одатига кўра, томонлар совғалар алмашишди. Мустаҳкам дўстлик ва ўзаро ҳурмат белгиси сифатида Туркманистондан бизга суюлтирилган газ етказиб берилди, ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам замонавий "Тез ёрдам" машиналари жўнатди. Буларнинг ҳаммаси ҳар икки давлатнинг қадимий анъаналарига мос бўлиб, стратегик шерикликнинг ривожланаётганидан далолатдир. Айни пайтда глобал сиёсий доиралар Марказий Осиёда ўзаро ишонч муҳити шаклланганига ва бу минтақадаги мамлакатлар зарур пайтда ҳеч қандай ташқи тавсияларсиз бир-бирларини қўллаб-қувватлашларига амин бўлишди.

### Соат милларини орқага қайтариб...

АҚШ Япониядаги Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташлаганидан икки йил ўтиб — 1947 йили Чикагодаги "Ядровий тадқиқотчилар бюллетени" журнали олимлари инсоният эътиборини ядро қуролининг ҳалокатли оқибатларига қаратиш мақсадида рамзий "Қиёмат соати"ни ишга туширдилар. Бу билан улар инсоният ўзини ўзи йўқ қилишига қанчалик яқин қолганини мажозий тарзда эслатиб турмоқчи бўлишди. Бунда соат миллари ярим тунни кўрсатганида "қиёмат қойим" бўлиши назарда тутилган. Ўша пайтда бу соатда ярим тун бўлишига етти дақиқа қолган эди.

Циферблат миллари таниқли олимлар, жумладан, Нобель мукофоти совриндорларидан иборат экспертлар кенгаши хулосаларига кўра силжитилади. Яқинда жаҳон оммавий ахборот воситалари соат миллари ҳайъат қарорига кўра жуда хавфли нуқтагача силжитилганини эълон қилишди: энди улар ярим тунгача бор-йўғи бир ярим дақиқа қолганини кўрсатяпти.

Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос "тарихий эврилиш" палласига тўғри келди.

Ўзбекистон етакчиси ўз маърузаларида инсоният "тарихий эврилиш" палласида эканини, бунда бир тарихий давр ниҳоясига етиб, башорат қилиш мушкул бўлган янги бир давр бошланаётганини таъкидлайди. Дарҳақиқат, дунёдаги келишмовчиликлар, беқарорлик, ядро уруши хавфи, бу ҳам етмагандек, иқлим ўзгаришлари сабаб сайёрамиз умуман йўқ бўлиб кетиш чегарасига келиб қолди. Шундай шароитда, турли жойлардан оқилона фикр-мулоҳазалар ва чақириқлар билдирилаётганига қарамай, тинчликни сақлаб қолиш ва харитада янги "қайноқ нуқталар" пайдо бўлмаслиги учун аниқ хатти-ҳаракатлар етишмаяпти. Мажозий маънода айтганда, "Қиёмат соати" милларини орқага суриш учун реал қадамлар зарур.

Жаҳонда рўй бераётган жараёнлар фонида Марказий Осиё мамлакатлари учун тинчликни, барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари ҳар доимгидан-да долзарб бўлиб қолмоқда. Конфликтология бўйича ҳар қандай мутахассис чегарадош давлатлар ўртасида ҳарбий низо келиб чиқишига асосий сабаб қилиб ҳудудий ва чегараолди келишмовчиликларини кўрсатади. Бундай "секин ҳаракатга келувчи бомбалар" бизнинг минтақамиз пойдевори остига ҳам қўйилган. Вақти-вақти билан улар ишга тушиб, қонли тўқнашувларга сабаб бўлиб турибди.

Айнан шу боис экспертлар Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида чегараларни делимитация қилиш тўғрисидаги битимни сиёсий донишмандликнинг бемисл намунаси, дея баҳолашди. Бу жараёнга давлатимиз раҳбарининг яқинда Бишкекка қилган ташрифи чоғида сўнгги нуқта қўйилди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакат периметридаги хавотирли ўчоқлар ва минтақадаги эҳтимолий келишмовчилик хавфи бартараф этилди.

— Қирғиз — ўзбек чегарасини делимитация ва демаркация қилиш тўғрисидаги битимни жуда ижобий баҳолайман, — деди сиёсатшунос, Марказий Осиё бўйича эксперт Аркадий Дубнов.

— Бу тадбир тарихий аҳамиятга эга воқеадир. Айниқса, ўша, кўп йиллар давомида бартараф этилмаётган қарама-қаршиликлар, амбициялар, тушунмовчиликлар юз бериб турган жойда.

Қирғизистонлик сиёсатшунос Денис Бердаков, январь ойидаги Шавкат Мирзиёев ва Садир Жапаровнинг учрашувини шарҳлар экан, Ўзбекистон Президентининг бу ташрифи узоқ йиллардан буён якунида аниқ келишувларга эришилган ягона давлат ташрифи бўлганини қайд этди. Унинг фикрича, Қирғизистонга илк марта шундай товар айирбошлаш таклиф қилиндики, у ҳар икки томонни қониқтирди. Ўзбекистон қўшни мамлакатга ўз саноатини яратишда ёрдам беради ва индустрлаштириш учун йўл очиб беради. Яна гидроэкономика ва қишлоқ хўжалиги соҳасида сезиларли силжишга эришилди, бу эса Фарғона водийсида иқтисодий мувозанатни ўрнатиш имконини беради.

— Сиёсий масалага келсак, Марказий Осиёда Совет Иттифоқига амалда барҳам берилди, — дейди сиёсатшунос. — Давлатнинг аниқ ва тартибга солинган чегаралари йўқ экан, ҳалиям СССР тўлиқ бўлиниб кетган деб айтиб бўлмасди. Бу минтақадаги ҳамма республикаларга тегишли муаммо. Дунёда ва минтақада юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кўриб, томонлар муаммони тушуниб етишди ҳамда урушнинг олдини олиш учун керак бўлган масалаларни тартибга солишга қарор қилишди. Чегаралари аниқ "чизиб қўйилмаган" давлат кучсиз бўлади. Ва айнан шу, тарихий аҳамиятга эга ташриф куни баҳсларга чек қўйилди.



> ... Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё минтақасини янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши, деб эълон қилди. Бу ғоянинг амалдаги рўёби сифатида минтақадаги давлатлар раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари уюштирилди ва мунтазам давом этмоқда. Бундай учрашувларда Марказий Осиёнинг улкан салоҳиятидан тўла фойдаланишга қаратилган, муҳими, барча тарафларнинг манфаатлари ҳисобга олинган аниқ чора-тадбирлар белгиланади. Сиёсий ирода туфайли тарихан қисқа муддатда қўшни давлатлар бир-бирларини тинглаган ҳолда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳамкорликда ҳал қила бошладилар. Иқтисодий ҳамкорлик янги босқичга чиқди, одамларнинг ўзаро борди-келдилари анча соддалашди. Яқин-яқингача буни тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Минтақада мутлақо бошқача сиёсий муҳит шаклландики, буни бугун бутун дунё тан олмоқда ва айниқса, улкан маконда хавфсизлик ва тараққиётни таъминлашда ўта муҳим бўлган бу ишда Ўзбекистон етакчисининг роли ва ҳиссаси алоҳида эътироф этилмоқда.

### Кураш ўрнига шериклик

"Қозоғистон vs Ўзбекистон: етакчилик учун кураш кескинлашяптими?", "Ўзбекистон Қозоғистондан "сакраб" ўта оладими?", "Қозоғистон ва Ўзбекистон: рақобатми ё ҳамкорлик?" — шу каби сарлавҳалар остидаги ахборот материаллари яқин-яқингача интернет маконида тез-тез кўриниб қолар эди. Экспертлар ва гапдонлар икки мамлакатдан қайси бирининг иқтисодиёти кучлироқлигини ва кўпроқ истиқболга эгалигини, қайси бири ҳарбий-сиёсий гегемонликка даъвогару қай бири ортда қолишини жиддий муҳокама қилиш билан банд эди.

Замонавий дунёда шундай манзара юзага келдики, унда кимларгадир биринчи, кимларгадир эса иккинчи деган ёрлиқлар осилди, бунда қандай йўл билан бўлса-да, "рақиб"дан шубҳали "етакчилик" мақомини тортиб олиш истаги пайдо бўлди. Бу эса айримларга жуда ёқди ҳам. Лекин бизнинг мамлакатларда манзара буткул бошқача.

Минтақамиздаги аҳоли сони ва эгаллаган майдони жиҳатдан энг катта икки мамлакат — Ўзбекистон ва Қозоғистон айни даврда Марказий Осиёнинг ривожига энг катта ҳисса қўшиш мақсадида локомотив ролини бажариб келаётгани айни ҳақиқат. Шу туфайли глобал майдонда бешта қўшни республикани кўпинча фақат умумий тарих, анъаналар ва маданият бирлаштириб турувчи алоҳида давлатлар эмас, балки яхлит, ҳамжиҳат минтақа деб билишади. Экспертлар фикрича, шундай ўзгаришларнинг натижаси ўлароқ давлатлар томонидан минтақавий масалалар бўйича келишилган позицияларни ишлаб чиқиш ҳамда халқаро майдонда ўзаро мувофиқлашув кузатилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида Марказий Осиё давлатларининг ягона позицияси янграй бошлади.

Бундай муҳим ва зарур ўзаро мувофиқликка эришишда Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев томонидан ўтган йил сўнгида Тошкентда бўлиб ўтган учрашув доирасида имзоланган Иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги шартнома ҳамда Давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисидаги шартнома катта роль ўйнади.

— Фаол сиёсий мулоқот ва ҳукуматларнинг келишилган ҳолда иш юритиши туфайли қозоқ — ўзбек муносабатлари изчил ривожланмоқда ва барча йўналишда ўсишни намоён этмоқда, — деди қўшни давлат етакчиси. — Биз ҳурматли Шавкат Миромонович Мирзиёев билан бирга тарихий ҳужжатларни имзоладик, аминманки, улар давлатларимиз ўртасидаги биродарлик муносабатлари ва ҳамкорлик солномасига зарҳал ҳарфлар билан битилади. Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги Иттифоқчилик тўғрисидаги шартнома халқларимизнинг янада яқинлашишга бўлган интилишини ифодалайди ва уларнинг азалий манфаатларига мос келади.

МДҲ мамлакатлари институтининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича сектори мудири, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими Андрей Грозин Иттифоқчилик тўғрисидаги шартноманинг имзоланишини Ўзбекистоннинг яқин қўшнилар билан дўстлик сиёсатининг инъикоси, минтақадаги барча йўналишлар бўйича қарама-қаршиликларнинг камайиши деб атади ҳамда икки етакчи давлатнинг муштарак сиёсий салоҳияти бу салоҳиятларнинг алоҳида-алоҳида мавжуд бўлишидан кўра яхшироқ эканини тушуниб етишдир, дея таъкидлади.

Гўё экспертнинг шу сўзларини тасдиқлагандек ва сиёсий воқеликдаги янги ҳолатга урғу бергандек икки томонлама саммит якунлари бўйича чиққан дастлабки мақолалар орасида интернетда "Тоқаевнинг Тошкентга тарихий ташрифи: минтақадаги етакчи мамлакатлар шериклиги" сарлавҳали материал пайдо бўлди. Мана бу энди мутлақо бошқа мазмунга эга сарлавҳа.

### Ишончни тиклаш

Журналист учун бор-йўғи 150 километрлик масофада жойлашган қадимий Истарафшон ёки Хўжандга ижодий сафарга бориш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин бўлмаган даврни жуда яхши эслаймиз. Қарангки, умумий илдизга, умумий тарих ва анъаналарга эга халқлар ўртасида гўё ўтиб бўлмас девор пайдо бўлгандек эди.

Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил бошидаги Душанбега илк ташрифини ҳамкасбларимиз бежиз "икки халқнинг ушалган орзуси", деб аташмади. Чиндан ҳам шундай бўлди: ташрифдан кейин икки давлат фуқароларининг ўзаро борди-келдиси тикланди, дўстона, қўшничилик муносабатлари янгича руҳ олди. Ўшанда оммавий ахборот воситалари хабар беришича, Президентларнинг учрашуви якунлари Тошкент ва Душанбе ўртасида деярли чорак аср мавжуд бўлган жарлик бартараф этилиши мумкинлигини кўрсатди, бу эса бир-бири билан жуда яқин халқлар яна яхши қўшничилик асосида яшашига имкон яратди. Экспертларнинг таъкидлашича, қайта йўлга қўйилган мулоқот давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга, бутун Марказий Осиёнинг Евросиё маконида бир бутун ягона минтақа сифатида намоён бўлишига хизмат қилди.

Ўшандан кейин ўтган йилларда қўшни республика билан ҳамкорлик жадал ўсиб борди. Бу эса ҳам рақамларда ўз аксини топди — иккитомонлама савдо айланмаси деярли 40 бараварга ортди, ҳам оддий одамлар турмушида намоён бўлди — ўзаро борди-келди одатий ҳолатга айланди.

Мисол учун, ўтган йили қарийб 800 минг нафар ўзбекистонлик Тожикистонга борди, бу — 2021 йилдагига нисбатан тўрт баравар кўп дегани. Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмоннинг ўтган йили бўлиб ўтган музокаралари қўшнилар ўртасидаги муносабатларни жуда юқори босқичга кўтарди. Бунинг натижаси эса Абадий дўстлик ва иттифоқчиликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларациянинг имзоланиши бўлди. Мана шу далилнинг ўзиёқ, агар сиёсий ирода мавжуд бўлса, минтақа давлатлари ўртасида ҳеч қандай ечилмайдиган муаммо ёки қарама-қаршиликлар бўлиши мумкин эмаслигини исботлайди.



Суратлар "Халқ сўзи" фотожамламасидан олинди.

Хорижлик таҳлилчилар Марказий Осиё интеграциясида Шавкат Мирзиёевнинг ҳал қилувчи ролини эътироф этишади. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил қилинган учрашув ҳамда форматлар беш давлат раҳбарлари учун ҳар қандай масалани очиқ муҳокама этиш, ҳамкасбларни тинглаш, шерикликнинг энг афзал қирралари ҳақида фикр юритиш имконини берди. Жуғрофий жойлашув, геосиёсий вазият кўрсатиб турибдики, мамлакатларимиз иқтисодиёт ва инфратузилмани диверсификация қилар эканлар, энг аввало, ўзларига ишониши ва минтақа салоҳиятини тўла намоён этишлари керак бўлади. Мавжуд имкониятларни ўз халқлари манфаати йўлида ишга солиш учун эса "Куч — бирликда" деган ибора бугун, айниқса, долзарб эканини унутмаслик жуда муҳимдир.

**Ўткир РАҲМАТ.**

# МИСР ТАРИХИДА ЎЗБЕКЛАРНИНГ МУҲИМ ЎРНИ



(1) Тарихчилар уни "халқига адолатли, саховатпеша, шариатга тўла амал қилувчи подшоҳ, олимлар ва донишмандларни севадиган, эзгулик улашишни хуш кўрадиган, одамлардан ёрдам, яхшилик ва садақаю эҳсонини аямайдиган инсон, доимо илм, ҳадис излаш билан машғул бўлган, Мисрдан Фуротгача, бу ёғи Марокаш юртларигача ҳукмронлик қилиб, адолат ўрнатган, ҳатто Бағдод халифалигига номзоди қўйилган дилбар шахс эди", дея таърифлашади.

Аҳмад ибн Тулун ва ўғли Хуморвия замони Миср тарихидаги олтин давр ҳисобланади, чунки шу вақтда юрт маданий юксалди, иқтисодий ўсди. Ҳатто унинг ташқи савдо айланмаси 4,3 миллион динорни ташкил этди.

Шунингдек, тулунийлар Ислом оламини византияликлар хатаридан сақлашда алоҳида хизматлар қилишди.

Миср тарихий манбалари ўзбекларни гўзал фазилатлар ва ажойиб сифатлар — шижоат, саховат, виқор, бошқаришга моҳир, ҳарбий интизомга эга халқ дея тавсифлайди.

Усмонийлар даврида ҳам Мисрда ўзбеклар мавжуд эди. Усмонийлар давридаги архив ҳужжатларидан Қоҳирадаги Ўзбек такя (маҳалла)си Ўрта Осиёдан келган барча ўзбекларни яхши кутиб олгани маълум бўлади. Усмонийлар давлати уларга Султонлар вақфи (махсус ҳисоби)дан инфоқ-эҳсон қилган, маҳаллаларини ободонлаштириш ва тузатишга алоҳида эътибор қаратган, у ерда яшовчиларнинг озиқ-овқати ва илм олишлари учун етарли маблағ ажратган, уларнинг эҳтиёжига кўра китоблар чоп этишга рухсат берган.

Ҳозирги пайтда ҳам Қоҳирада бир қанча ўзбек оилалари яшайди. Шошлик, бухоролик, фарғоналик, тарозлик оилалар бор, улар юртлари номига нисбат берилган исмларини ҳамон сақлаб келишяпти. Ўзбеклар Мисрнинг узоқ тарихи давомида унинг маданий ҳаётида ҳам алоҳида ўрин тутган. Бунга ҳижрий 247 йили Қоҳира равзасида Аҳмад Фарғоний бино қилган биргина Нил миқёси (ўлчагичи)ни эслаш кифоя. Аҳамиятлиси шундаки, бу миқёсдан ҳозир ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Аҳмад ибн Тулун қурдирган жоме (масжид-мадраса) Мисрнинг ҳозирги кунда ҳам майдони жиҳатидан энг катта жомеларидан биридир. Уни Аҳмад ибн Тулун милодий 878 (ҳижрий 265) йили қуриб битказган, Қоҳиранинг Саййида Зайнаб маҳалласидаги Ибн Тулун майдонида жойлашган. Аҳмад ибн Тулун бу жомени дин, Қуръон, луғат (тил) илмларини ўргатадиган олийгоҳ қилган, уни етук олимлар ва муҳаддислар маконига айлантирган эди. Кейинчалик бу илм даргоҳида дорихона, шифохона қурдириб, кучли табиб ва доришуносларни ҳам жалб қилди.

Бугунги кунда Қоҳирада Ўзбекия маҳалласи ва "Ўзбекия" боғи бор, Мисрдаги энг машҳур китоб бозори ҳам "Ўзбекия" номи билан юритилган. Мамлакат пойтахтининг Нил дарёсига яқин ҳудудида жойлашган Маниал маҳалласида Фарғона водийсида етишиб чиққан буюк ўзбек олими, дарёга нилометр ўрнатган аллома Аҳмад Фарғоний ҳайкали ўрнатилган.

Қоҳираликлар орасида ўрта асрларда Ўзбекия маҳалласида Ўрта осиёликлар, жумладан, ўзбеклар яшаганлиги, бу ердаги боғни ўзбеклар бунёд этганлиги ҳақида турли ҳикоялар мавжуд. Бу маданий масканларнинг ўз тарихи бўлиб, уларнинг келиб чиқишига оид ривоят ва ҳикоялар ҳам бор. Қоҳира марказида ўзбеклар билан боғлиқ маданий "оролча"ларнинг қандай пайдо бўлганини мисрлик таниқли тарихчи олима Можида Махлуф ўзининг "Миср тарихида ўзбеклар" номли мақоласида батафсил таҳлил қилган (мақолани Комилжон Раҳимов ўзбек тилига ўгирган). Мақолада олима асосий эътиборни X — XVIII асрларда Миср давлатчилигида ўрта осиёлик бир нечта сулолаларнинг эгаллаган мавқеига, уларнинг давлат сиёсий ҳаётидаги иштирокига қаратади. Яқин Шарқ давлатлари бўйича тадқиқотчи, Тошкент давлат шарқшунослик университетининг ўқитувчиси Шавкат Икромов ҳам бу борада изланишлар олиб борган.

Мисрлик тарихчиларнинг ёзишича, ушбу маҳалланинг ташкил этилиш тарихи XIV асрнинг охирларига бориб тақалади. Мамлук давлати ҳукмронлиги даврида, Султон Қайтбай Отабек қўшин қўмондони Сайфиддин Ўзбекни жанглардаги катта ғалабалари учун мукофотлашга қарор қилган. Ва унга Қоҳира марказидан 60 акр ерни ҳадя қилган, тез орада бу ерда ҳовуз ҳамда унинг атрофида боғ барпо этилиб "Ўзбек истироҳат боғи" номи билан атала бошланган. 1495 йилга келиб, бу жой Қоҳира шаҳрининг марказида жойлашган катта маҳаллага айланди.

Ўзбеклар Қора ва Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган подшоҳликлар султонларининг доимий эътиборида бўлишган. Аслида аксарият султонларнинг келиб чиқиши қипчоқ (ўзбек) диёридан бўлган. Масалан, Миср султони Зоҳир Бейбарс ўзбеклар билан иттифоқ тузишга интилган. Мисрлик олим Заки Муҳаммад Ҳасаннинг фикрига кўра, ўзбекларнинг ушбу мамлакат подшоҳлари идоравий ҳаётида ҳам ўз ўрни бўлган. Улар подшоҳлик кенгаши амири, қўшин қўмондони, қурол-яроғ амири, карвонлар амири, ҳаж амири каби эътиборли ва олий мансабларга эга бўлишган. Ўзбекларнинг давлат бошқаруви тизимида хизмат қилиши, бошқарув санъатидан тортиб, меъморчилик анъаналаригача ўз таъсирини кўрсатган.

Миср тарихининг кейинги даврларида ҳам ўзбеклар нуфузда бўлишган. Хусусан, манбаларда Қоҳиранинг марказида жойлашган, Қози Муҳиддин Абд ал-Қодир Ўзбекий томонидан қурилган "аш-Шаъроний" такяси ҳукмдорлар эътибори ва ҳомийлигида бўлганлиги тўғрисида, бу такяга Ўрта осиёлик ҳожилар, нақшбандия тариқати сўфийлари доимий равишда келиб турганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Даврлар ўтиб Яқин Шарқда, жумладан, Қоҳира шаҳрида яшаган Ўрта осиёликлар маҳаллий аҳолига сингиб кетди — тил, маданият ва урф-одатларининг маълум бир белгилари сақланиб қолди. Шундай белгилардан бири, бу — ўзбек этноси билан боғлиқ бўлган жой номларидир.

Ал-Ўзбекия маҳалласи Қоҳирадаги энг машҳур маҳаллалардан бири ҳисобланади. Унинг катта қисми Хадив Исмоил пошшо даврида бунёд қилинган. Маҳалла Ал-Атаба майдони, "Ўзбекия" боғи ҳамда "Ўзбекия театри"ни ўз ичига қамраб олган. Усмонийларнинг Мисрдаги ҳукмронлиги бошланар экан, бу маҳалланинг равнақи янада жонланди. Манбаларда айтилишича, шу даврларда бу маҳаллада асли келиб чиқиши Ўрта Осиёдан бўлган турли туркий халқлар яшаб, улар умумий ном билан ўзбеклар деб аталган. Давр ўтиши билан улар маҳаллий халқ орасига шу қадар чуқур сингиб кетганки, натижада ўзбеклар алоҳида этник гуруҳ сифатидаги хусусиятини йўқотган. Бироқ "ўзбек" номи ҳали-ҳамон сақланиб келмоқда.

Масалан, "Ўзбекия" боғи шундай жойлардан биридир. Тахминан XIV асрда Ўрта Осиёдан келган ўзбеклар авлодидан бўлган Сайфиддин Ўзбек томонидан катта боғ ва ҳовуз барпо қилинган. Кейинчалик унинг ўрнида француз услубидаги янги боғ пайдо бўлган. Боғ номи эса ҳозирга қадар "Ўзбек" номи билан сақланиб қолган. Бу боғ ҳозирда жуда кичик бўлиб қолган. Шундай бўлса-да, бу жой ҳамон Қоҳиранинг энг сўлим ва салқин манзилларидан бири, боғ атрофида XVIII-XIX асрларда Ўрта осиёлик туркийлар яшаганлиги тўғрисида маълумотлар сақланган. Баъзан Ўзбекия маҳалласида яшовчи маҳаллий аҳоли орасида бухорийлар, туркистонийлар ва ўзбеклар номли гуруҳларни учратиш мумкин. Улар араб тилида сўзлашади, урф-одатлари ҳам маҳаллий аҳолидан фарқ қилмайди.

"Ўзбекия" боғининг ичида бугунги кунда миллий театр номи билан маълум, ўз даврида эса "Ўзбекия театри" номи билан машҳур бўлган катта театр жойлашган. Театр 1928 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, бугунги кунга қадар Яқин Шарқдаги энг қадимий ва катта театрлардан биридир. Француз ва усмонийлар меъморчилик услубида қурилган ушбу театрга ҳам "Ўзбекия театри" номи берилган. Катта авлод орасида бу ном ҳамон сақланиб қолган. Бу машҳур театрда XX аср араб театр ва мусиқа санъатининг энг ёрқин асарлари саҳналаштирилган. Араб қўшиқчилик санъатининг машҳур вакилларидан бири Умм Кулсум ҳам ўз даврида "Ўзбекия театри"да концерт дастурларини тақдим қилган.

"Ўзбекия" боғининг шимолий деворларига туташ ҳудудда бутун дунёга "Қоҳирадаги ўзбекия девори" номи билан машҳур бўлган китоб ярмаркаси жойлашган. У 1926 йилдан ҳозирга қадар худди шу ном билан фаолият юритиб келади. Бу китоб ярмаркасининг этник ўзбеклар билан бирор-бир боғлиқлиги бўлмаса-да, бироқ унинг "Ўзбекия" деб номланиши тарихдан бу ҳудудларда Ўрта Осиёдан келган ўзбек муҳожирларининг аждодлари яшаганлигининг яна бир исботидир. Асосан, кўҳна ва арзон китоблар билан савдо қилувчи бу маскан йиллар давомида минглаб олимларнинг шаклланиши учун замин бўлган дунёга машҳур ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори Нагиб Маҳфузнинг ҳам севимли масканларидан бири эди.

**Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,**
**Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.**

# ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН АЛОҚАЛАР

*Ўзбекистон ва Миср ўртасида икки томонлама ҳамкорликнинг ижобий динамикасини белгиловчи бир қатор муҳим омиллар бор. Энг аввало, икки давлат раҳбарлари ўртасида шаклланган ишончли ва дўстона муносабатлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.*



Миср ва Ўзбекистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболларини таҳлил этсак, ўзаро алоқалар барқарор равишда, дўстона руҳда кўплаб соҳаларда кенгайиб бораётганига гувоҳ бўламиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг таклифига биноан 20-21 февраль кунлари ушбу мамлакатга амалга оширган ташрифи ва унинг давомида эришилган аҳднома ҳамда келишувлар муносабатларимиз ривожида муҳим ўрин тутади.

Олий даражадаги музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон — Миср муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалаларининг кенг доираси ўрин олди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Халқаро ҳамда минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди. Якунда Қўшма баёнот қабул қилиниб, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Президентимиз қайси хорижий давлатга ташриф буюрмасин, ҳар доим ўша юртнинг тадбиркорлари ва ишбилармонлари билан учрашади, мулоқот ўтказади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ўзбекистон — Миср бизнес форуми давомида имзоланган келишувлар ҳаётга татбиқ этилса, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг бугунги кўрсаткичлари ва ҳажми бир неча баробар ошади. Юртимизда бизнес учун зарур шарт-шароитлар ҳамда хорижий сармоядорлар учун қулай инвестициявий муҳитнинг яратилаётгани Миср инвесторларида Ўзбекистонга сармоя киритиш ғоясини туғдирмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, Миср ва Ўзбекистон ўртасида тўқимачилик соҳасида алоқаларни кучайтириш истиқболли ҳисобланади. Миср бу йўналишда сезиларли ютуқларни қўлга киритган давлатлар қаторига киради. Умумий саноатнинг 25 фоизи айнан шу тармоқ ҳиссасига тўғри келади. Мисрда пахта етиштиришдан тортиб, тайёр кийим-кечак маҳсулоти ишлаб чиқаришгача бўлган барча жараён миллий корхоналар томонидан мамлакатнинг ўзида амалга оширилади. Бу эса Мисрнинг тўқимачилик саноати минтақадаги бошқа давлатлардан ишлаб чиқаришнинг барча циклини ўз ичига олиши билан ажралиб туришини кўрсатади.

Ўзбекистон ўз олдига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 40 фоизга ошириш ва 120 миллиард доллардан ортиқ қўшимча инвестициялар жалб этиш мақсадларини белгилаган. Шу билан бирга, 2026 йил охирига келиб, хусусий банкларнинг улуши банклар умумий активларининг 60 фоизига етказилиши, 2023 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи 15 фоиздан 12 фоизгача камайиши ва банк, молия ҳамда телекоммуникация соҳаларидаги корхоналар учун даромад солиғи 15 фоизга туширилиши кўзланган.

Буларнинг барчаси мисрлик йирик инвесторларга Ўзбекистондаги хилма-хил савдо-иқтисодий лойиҳаларда иштирок этиш, Марказий Осиёнинг қоқ марказидаги жуғрофий ўрнини ҳисобга олган ҳолда қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Ўз навбатида, бу юртимизнинг экспорт имкониятларини кенгайтиради.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг Мисрга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳурмат ҳамда ишончга асосланган алоқалар янада мустаҳкамланиб бораётганини намоён этиш билан бирга, сиёсий, савдо-иқтисодий, илм-фан ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада жадаллаштириш, уларни мутлақо янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**Абдумалик АКРОМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҚОНУНЛАРГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ЗАРУРАТИ



(1) Шунингдек, сув истеъмолчиларига сув етказиб бериш, хўжаликлараро суғориш тармоқларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш-тиклаш ва бошқа сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш ишлари бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган махсус хизматлар ташкил этилган.

Сув ресурсларини бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда сув муносабатларини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни қонунчилигимизда акс эттириш орқали мазкур жараён билан боғлиқ бир хил талқин ва ёндашувни шакллантириш зарурати тегишли қонунларимизга ўзгартишлар киритишни тақозо қилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳаси билан бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Яъни, таклиф этилаётган нормалар билан фермер ва деҳқон хўжаликларига сув етказиб бериш, сув истеъмоли режаларини белгилаш, томорқа ер участкаларини сув билан таъминлаш бевосита туман ирригация бўлими томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши туман ирригация бўлимлари томонидан фермер, деҳқон хўжаликларига сув етказиб беришда кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, сув билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва ундан оқилона фойдаланишга олиб келади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Парламент сўровига юборилган жавоб депутатларни қониқтирдими?

Кейинги йилларда юртимизда махсус иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, уларни ривожлантириш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 30 апрелдаги тегишли қарори билан 2021-2022 йилларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирлари параметрлари ҳамда 2021 йилда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг манзилли рўйхатлари тасдиқланган.

Махсус иқтисодий, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирлари учун 1 500,0 млрд. сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағларнинг объектлар кесимида манзилли дастури тасдиқланган бўлса-да, 2022 йилнинг 9 ойи якунига кўра, ажратилган маблағларнинг 540,5 млрд. сўми ўзлаштирилган.

Бундан ташқари, махсус иқтисодий зоналардаги объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер савдолари якунланмагани сабабли ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмай қолган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг 2022 йил 13 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси таклифи билан "Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва улардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида кўрилаётган чоралар тўғрисида"ги масала юзасидан парламент сўрови юборилган эди.

Мажлисда депутатлар ушбу парламент сўровига юборилган инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг жавобини атрофлича кўриб чиқишди.

Парламент сўровига келган жавобда, махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг иштирокчилари томонидан инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари бўйича бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган саноат зоналари, махсус иқтисодий, кичик саноат зоналари ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини очишга оид маълумотлар келтирилган.

Қайд этилганидек, ҳозирги кунда юртимизда жами 755 та саноат зонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 22 таси махсус иқтисодий зона, 523 таси кичик саноат зонаси, 210 таси ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналаридир. Саноат зоналарининг 3 056 гектар ер майдонида 2017 — 2022 йилларда умумий қиймати 50,1 трлн. сўмлик 3 789 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган ва 142,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган.

Саноат зоналари ҳудудларида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан 2022 йилда 40,6 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва 882,3 млн. долларлиги экспортга йўналтирилган.

Шунингдек, саноат зоналари томонидан 2023 йилда умумий қиймати 16,0 трлн. сўмлик 1 264 та лойиҳанинг амалга оширилиши ва бунинг натижасида қўшимча 3,0 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Хорижий ҳамкорлар ва инвестицияларни жалб қилиш саноат зоналарида замонавий технологияларга асосланган, рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни ишга туширишнинг энг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, саноат зоналарини инфраструктура тармоқлари билан таъминлаш чоралари босқичма-босқич олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда ҳар йили тегишли дастурлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланяпти.

Муҳокамаларга бой бўлган мажлисда кун тартибидаги масала тегишли қўмитанинг доимий назоратида бўлиши таъкидланиб, парламент сўровига юборилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Қарор ва ижро

# МАҲАЛЛАЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛМОҚДА

*Ёдингизда бўлса, 2022 йил 25 октябрда Президентимизнинг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарордан кўзланган асосий мақсад юртимиздаги мавжуд маҳаллаларнинг инфратузилмасини янада яхшилашдан иборат эканлиги унинг номидан ҳам кўриниб турибди.*

Айтиш жоизки, мазкур қарор ижроси Олий Мажлис Сенати томонидан мунтазам ўрганиб келинмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятидаги маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Куни кеча Тошкент вилоятининг Қибрай туманида сенатор Малика Қодирхонова бошчилигида туман ҳокимлиги вакиллари, депутатлар ва маҳаллалар фаоллари томонидан ўрганишлар олиб борилди.

Бу жараёнда тумандаги дастурга киритилган кўча ва маҳаллаларнинг ички йўллари, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотини яхшилаш, канализация, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш борасидаги лойиҳалар ижроси билан танишилди.

Маълум бўлишича, Беруний ва Ғафур Ғулом номидаги маҳаллаларда тоза ичимлик суви тизимини яхшилаш учун ажратилган 1 млрд. 900 млн. сўмдан ортиқ маблағ эвазига 4,5 км. масофада канализация қувурлари ётқизиш юмушлари жадал давом эттирилаётир.

Дастур бўйича тумандаги Ҳайдаробод маҳалласининг Маҳорат кўчасида канализация қувурларини ўтказиш учун 700 млн. сўм бюджет маблағлари ажратилган. Ўрганиш давомида ушбу кўчада 1,7 км. узунликда канализация қувурларини ўтказиш ишлари бошланиб, жадал давом этаётгани аниқланди. Мазкур лойиҳа якунида тумандаги 14-умумтаълим мактаби ҳам шу канализация тизимига уланиши мумкин бўлади.

**«Халқ сўзи».**

# ЎРГАНИШЛАР НАТИЖАЛАРИ ЯЛПИ МАЖЛИСДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

(1) Шу жараёнда сенаторлар ҳудудда 48 мингдан зиёд кишилар истиқомат қилишини инобатга олган ҳолда, аҳоли гавжум жойларга, бозорлар, мактаб ва боғча каби объектлар атрофига кузатув камералари ҳамда огоҳлантирувчи пультларни ўрнатиш бўйича ўз тавсияларини берди.

Шу билан бирга, назорат тадбирларини кучайтириш ҳамда Миллий гвардия билан ҳамкорликда жиноятчилик кўп содир этилаётган ҳудудларда фаол иш олиб бориш лозимлиги ҳам алоҳида урғуланди. Ўз навбатида, тавсиялар шу жойнинг ўзида инобатга олинган ҳолда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни камайтириш, уларнинг олдини олиш мақсадида вилоят Ички ишлар бошқармасида учта гуруҳ шакллантирилиб, жума, шанба ва якшанба кунлари кучайтирилган тартибда иш олиб бориш белгиланди.

Айтиш керакки, мазкур ўрганишлар натижалари Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилиниши режалаштирилган.

**«Халқ сўзи».**

# 1000 ДАН ОРТИҚ ЛОЙИҲАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ИМКОНИЯТИ

*Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

## Парламент комиссиясида

Унда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг жамиятдаги долзарб муаммоларни ҳал қилишда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастури Парламент комиссияси томонидан кўриб чиқилди.

Дастурга кўра, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Ушбулардан келиб чиқиб, ННТ ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг дастур ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун мамлакатимиз бюджетидан 226,5 млрд. сўм маблағлар ажратилган.

Бу, ўз навбатида, жорий йилда ННТ, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг мингдан ортиқ дастур ҳамда лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш имкониятини яратади.

Йиғилишда ушбу йўналишдаги дастур ва лойиҳаларга ажратиладиган маблағлар аниқ натижага йўналтирилган бюджет тамойили асосида очиқ танловлар орқали уддаланиши қатъий вазифа этиб белгиланди.

Хусусан, давлат грантлари шаклида жамиятда ва оилада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш йўналишларида жамоат ташкилотларининг 17 млрд. сўмлик 180 дан ортиқ лойиҳалари амалга оширилади.

Мазкур лойиҳалар хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш, ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тиббий ҳамда экологик маданиятни юксалтириш, ёшларнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш каби йўналишларда давлат органлари билан ижтимоий шерикликда бажарилади.

Дастурга мувофиқ, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг "Жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаш" ва "Аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш" мавзуларида давлат грантлари ажратиш бўйича биринчи ва иккинчи танловлари эълон қилиш учун тасдиқланди. Танловлар жорий йилнинг 27 февралидан 31 мартигача бўлган муддатда ўтказилади.

Давлат ижтимоий буюртмаси шаклида давлат органларининг таълим сифатини ошириш, маданият, соғлиқни сақлаш, экологик ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қурилиш, коммунал хўжалиги, камбағалликни қисқартириш ҳамда бандлик каби соҳалардаги жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳамда таъсирчан ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасидаги буюртмаларини молиялаштириш учун 18 млрд. сўм йўналтириш кўзда тутилган.

Давлат субсидияси шаклида жамоат ташкилотларининг устав фаолияти ва йиллик иш режасини бажаришга 191 млрд. 490 млн. сўм ажратиш белгиланди. Натижада ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши кафолатланади, уларни маънавий-маърифий, ижтимоий-маданий ҳамда гуманитар қўллаб-қувватлаш ишлари ташкил этилади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мазмун-моҳияти аҳолига, хорижий "ақл марказ"ларига етказилади. Демократик ислоҳотлар ижроси устидан жамоатчилик назорати янада кучайтирилади. Шунингдек, ННТ ва фуқаролик жамиятининг институтлари иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, уларни рақамли технологияларга кенг жалб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтиришга йўналтирилади.

Субсидия доирасида аҳолини кенг тадбиркорликка чорлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга берилаётган имтиёзлардан фойдаланишни ўргатиш бўйича ишлар ташкил этилади.

Албатта, ҳар қандай вазифани амалга оширишда мустаҳкам молиявий асос билан бирга, салоҳиятли кадрлар, юксак ишонч, дахлдорлик, масъулият ва жавобгарлик ҳисси муҳим ўрин тутади.

Президентимизнинг "Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" қарори ижросини таъминлаш орқали аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга ижтимоий мослашувига кенг имкониятлар яратишга эришилади.

Йиғилишда Парламент комиссияси кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН — ФИНЛЯНДИЯ ҲАМКОРЛИГИ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНМОҚДА

*Куни кеча пойтахтимиздаги Халқаро Нордик университетида “Финляндия таълим кечаси” ўтказилди. Унда финляндиялик давлат ва жамоат арбоблари, таълим, илм-фан намояндалари, турли фирма ҳамда компаниялар, бизнес доиралар вакиллари қатнашди.*

*Тадбирда Ўзбекистон ва Финляндия мамлакатлари ўртасида таълим ва бизнес соҳасидаги алоқаларни янада кучайтириш, қўшма илмий ва академик лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро грантларда иштирок этиш, илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш борасида ўзаро манфаатли таклифлар илгари сурилди.*

Халқаро Нордик университети ва Карелия амалий фанлар университети ўртасида битим, Финляндиянинг Миллий таълим агентлиги, UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан Англашув меморандумларини имзолаш маросимлари ўтказилди.

Олийгоҳда Фин тили ва маданияти маркази тантанали очилди.

Бу бежиз эмас. Янгиланаётган Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласи долзарблик касб этиб, давлат сиёсатидаги устувор йўналишлардан бирига айланди. Бу борада Финляндиядек ривожланган давлат билан яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Финляндия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари, илғор тажрибаларини ҳамда муваффақиятларини ўрганиш, шу асосда мамлакатимизда таълим сифатини ошириш, мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақатгина ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Хўш, халқ таълимини ислоҳ этишда нега айнан Финляндия тажрибаси намуна сифатида танланди? Боиси шуки, ушбу мамлакат таълим сифатини баҳолаш бўйича ўтказилган халқаро тадқиқотларда ўз муваффақиятлари билан ажралиб туради. Жумладан, 2001 йилда ўн беш ёшли фин ўқувчилари ўқиш, математика ва табиий фанлар бўйича танқидий фикрлаш кўникмаларини баҳолаш учун мўлжалланган “Халқаро ўқувчиларни баҳолаш дастури” (PISA)да энг юқори балл олган. Европанинг шимолий давлати таълим сифати бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам дунёда энг яхши натижаларга эришиб келмоқда.

Албатта, юқори сифатли таълим етук кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Ўз касбининг устаси бўлган мутахассислар эса зиммасига юклатилган вазифани бекаму кўст уддалайди, ишига ижодкорлик ва масъулият билан ёндашади. Ўз билимларини ҳаётга самарали татбиқ эта олади. Буларнинг барчаси мамлакат тараққиётида, турмуш сифатининг ошишида намоён бўлади. Бугун Финляндия эришаётган муваффақиятлар бунинг ёрқин исботидир.

Ушбу Шимолий Европа давлати кейинги йилларда БМТ томонидан эътироф этиладиган “Жаҳондаги энг бахтиёр мамлакат” (World Happiness Report) рейтингида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Финляндия иқтисодиётни саноатлаштириш, инновацион ғоя ва ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш борасида юқори даражага эришган. Натижада аҳоли фаровонлиги муттасил ошиб бормоқда. Хусусан, мамлакатнинг 2021 йилда ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 253 млрд. АҚШ долларини ва жон бошига 45 минг 700 долларни ташкил қилган.

Ўзбекистон — Финляндия истиқболда барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда асосий эътиборни таълим сифатини юксалтиришга қаратмоқда. Икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳар жиҳатдан кенгайиши, ўзбек — фин ташкилот, муассаса ва компаниялари учун узвий алоқа платформасининг яратилиши ўтган қисқа вақт ичидаёқ ўз самарасини бера бошлади.

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон таълим тизимида Финляндия тажрибасини қўллаш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Дарсликлар, ўқув дастурларини яратиш борасидаги ҳаракатлар шулар жумласидандир. Финляндия миллий ўқув дастури кенг қўлланма бўлиб, ўқитувчиларга ўз услуби ва фикрларини синфда ишлатишига имкон беради. Бу мамлакат таълим тизимининг ўз ўқитувчиларига бўлган ишончига асосланади.

Қолаверса, Финляндиянинг “Халқаро ўқувчиларни баҳолаш дастури” муваффақиятлари дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг эътиборини ўзига жалб қилмоқда. PISAнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у соф билимни эмас, балки турли соҳаларда саводхонликни баҳолайди. Саводхонлик — “ўқувчиларнинг асосий мавзулар бўйича билим ва кўникмаларини қўллаш, турли вазиятларда муаммоларни аниқлаш, талқин этиш ва ҳал қилишда самарали таҳлил, мулоҳаза юритиш ва мулоқот қобилияти” сифатида изоҳланади. PISA дастури доирасида ҳар уч йилда такрорланувчи циклларда ўқувчиларнинг математик, табиий фанлар ва ўқиш фанлари саводхонлиги баҳоланади.

Фин таълим тизимини ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, Финляндия мактабларининг ўқув дастурлари болаларга берилаётган ҳар қандай билимларни амалиётга қандай ва қаерда қўллашни ўргатишга, уларни ижодий ва эркин фикрлашга ундашга йўналтирилган. Яна бир муҳим томони, Финляндия фан дастурларида ўзаро мутаносиблик жуда яхши таъминланган. Масалан, бирон синфда географиядан Осиё мамлакатлари ўтилса, ўша ҳафтада биологиядан ҳам Осиёда ўсувчи ўсимликлар, тарихдан ҳам ушбу минтақа халқлари тарихи, математикадан ҳам Осиёга оид маълумотлардан иборат мисоллар берилади.

Ўқитувчиларнинг юқори салоҳиятга эга эканлиги фин таълим муассасаларининг муваффақиятга эришишидаги навбатдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу мамлакатда ўқитувчилик қилиш учун камида магистр даражасига эга бўлиш керак. Финляндияда энг яхши мактаб, бу тураржойга энг яқин жойлашган мактабдир. Ушбу омиллар Шимолий Европа давлати таълим тизимини бутун дунёга машҳур қилишга ва халқаро таълим рейтингларида юқори ўринларни эгаллашга хизмат қилмоқда.

Финляндиянинг таълим тўғрисидаги қонунида (1998 йил) таълимнинг учта асосий мақсади белгилаб берилган: ўқувчиларга ҳаётда зарур бўлган билим ва кўникмаларни бериш, жамиятда ривожланиш ва тенгликни тарғиб қилиш ҳамда бутун мамлакат бўйлаб таълим соҳасида тенгликни таъминлаш.

Финляндияда бугунги кунда 2340 дан ортиқ умумтаълим мактабларида тахминан 560,5 минг нафар ўқувчи таҳсил олади. Барча мактаблар бир хил мавқега эга ва ҳафтасига 5 кунлик ўқиш жорий этилган.

Таълим тизими икки босқичли маъмурий тузилишга эга: Таълим ва маданият вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузурида фаолият юритадиган, лекин ўз фаолиятида мустақил Миллий таълим агентлиги. Агентлик мактабгача ва мактаб таълимини, вазирлик эса олий таълим тизимини бошқаради.

Финляндия таълим сиёсатида учта муҳим тамойил мавжуд — билимга асосланган жамият ҳақидаги қарашларни қўллаб-қувватлаш, таълим тенглигини таъминлаш ва маҳаллий ҳокимият ваколатларини кучайтириш. Маҳаллий ҳокимият ваколатларини кучайтириш жараёнини ўтган асрнинг 70-йилларидан




2000 йилларга қадар Финляндия таълим тизимидаги энг муҳим ўзгаришлардан бири сифатида таъкидлаш мумкин. Таълим муассасаларини бошқариш, асосан, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан амалга оширилади. Аммо ўқув маскани фаолиятига деярли ҳеч ким аралашмайди. Таълим тизимининг яна бир тамойили бўлган ишонч маданияти туфайли мактабларга текширув ташрифлари йўқ.

Финляндия қирқ йилдан зиёд вақт мобайнида кенг қамровли ва узоқ муддатли таълим ислоҳотини олиб бормоқда. Мамлакатнинг муваффақияти изчил ва узоқ муддатли таълим ислоҳоти билан чамбарчас боғлиқ.

Бўлажак ўқитувчилар учун алоҳида ўқув мактаблари белгиланади ва улар одатда ўқув вақтларининг 10 — 15 фоизини ушбу даргоҳларда ўтказади. Мактаблар талаба-ўқитувчиларга барча керакли ўқув материаллари билан таъминланган алоҳида хона ажратиб беради. Талаба-ўқитувчилар дарс жараёнларини кузатиш билан бирга таълим жараёнида ҳам фаол қатнашиб, катта тажриба тўплашади ҳамда мактаб жамоаси ва ўқувчилар ҳам улардан жуда фойдали ёрдам олишади.

Финляндияда таълим ислоҳотларининг муваффақиятида фин халқининг ўзаро тенглик ва ҳамкорлик қадрияти, шунингдек, таълим тизими ва бошқа ижтимоий хизматлар ўртасида жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш бўйича юқори даражадаги ҳамжиҳатликнинг мавжудлиги ва уларнинг ягона уйғунликда фаолият кўрсатиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар айтганда, Финляндия таълим тизимининг муваффақияти фин халқининг қадриятлари ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу мамлакат муваффақиятидан сабоқ олиш, таълим тизимини чуқур ўрганган ҳолда ундаги муҳим жиҳатларни ўзимизга мослаштирган ҳолда фойдаланишимиз фойдадан ҳоли бўлмайди.

## *Сўз — анжуман иштирокчиларига*

**Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,**
**Халқаро Нордик университети ректори:**



— Ўзбекистон ва Финляндия мамлакатлари таълим тизимининг барқарор ривожланишини жадаллаштириш мақсадида алоқаларни сифат жиҳатдан янги, янада юқори босқичга кўтаришга катта аҳамият қаратилмоқда. Финляндиянинг қатор таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда фин таълим тажрибасини ўрганиш ва уларни мамлакатимизга самарали татбиқ этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил амалга ошириляпти. Хусусан, таълим хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар ва компаниялар учун ҳамкорлар топишларига шарт-шароит яратилиб, янги ғоя ва лойиҳаларни юзага чиқаришга пухта замин ҳозирланмоқда.

Стратегик ҳамкорлик доирасида пойтахтимизда Халқаро Нордик университети фаолияти самарали йўлга қўйилгани, университет базасида фин таълим экспертлари иштирокида юртимиз таълим соҳаси вакиллари учун доимий тарзда онлайн ва офлайн семинарлар ўтказилаётганлиги, педагогларнинг бевосита Финляндияга бориб малака оширишига кўмаклашилаётгани амалий ишлар сирасидандир.

Университетимизда Шимолий Европа мамлакатининг нуфузли хорижий олий таълим муассасалари илғор тажрибалари, инновацион моделлари, ўқув режа ва дастурлари асосида йўлга қўйилган таълим иқтисодиётнинг реал сектори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашга катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистонлик талабаларнинг Финляндияда таълим олишига шарт-шароит яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу таълим даргоҳида келгусида рақобатбардош кадрлар етиштириб чиқариш ва соҳаларга Финляндиянинг илғор технологияларини жорий этишга хизмат қилади.

Университетимизда “Финляндия таълим кечаси” ўтказилиши ҳам бундай ишларнинг узвий давоми ўлароқ келгусида кўплаб янги ҳамкорлик лойиҳаларига асос бўлиши, шериклик доирасини янада кенгайтириши, шубҳасиз. Тадбирда Шимолий Европа давлатининг таълим тизими ходимларидан ташқари турли фирма ва компаниялар, бизнес доиралар вакилларининг ҳам қатнашаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу келгусида олий таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш интеграциясини жадаллаштиришга хизмат қилади.

**Вилле СКИННАРИ,**
**Финляндия Республикаси тараққиёт бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ва ташқи савдо вазири:**



— Финляндиянинг ўзига хос муваффақияти иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик, ички бозор ва уни қўллаб-қувватлайдиган савдо сиёсатидан ташқари билим капитали, таълим ва кўникмаларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, буларнинг барчаси мамлакатимизнинг жаҳон майдонида кучли томонлари ҳисобланади. Дунё мамлакатлари, айниқса, Финляндия ва Ўзбекистон муштарак фикрли ҳамкорлар сифатида янги қатъият билан интеграция йўлида ҳаракат қилмоқда.

Делагациямизнинг юртингизга ташрифидан кўзланган мақсад ҳам ўзбекистонлик ҳамкорлар билан таълим ва бизнес соҳаларида умумий ечимлар топишда муҳимдир. Йирик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилаётган инновацион ютуқлар тақдимотлари орқали янгидан-янги алоқалар ўрнатилади. Расмий доиралар, бизнес ва ишбилармон вакиллар, мутахассислар билан ўзаро музокараларга киришиб, тажриба алмашилмоқда. Келажакда истиқболли лойиҳалар бўйича шериклик қилиш мақсадида ҳар икки томон учун манфаатли лойиҳаларни кўриб чиқамиз.

Айниқса, Ўзбекистон — Финляндия ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик платформаси — Халқаро Нордик университетига ташрифимиздан бағоят мамнун бўлдик. Университетда ўтказилган анжуман Ўзбекистон ва Финляндия мамлакатлари ўртасида келгусида таълим ҳамда бизнес соҳасидаги алоқаларни янада кучайтиришга ҳисса қўшади, деб ишонаман.

**Илкка РАЙСЕНЯН,**
**Финляндиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**



— Ўзбекистон чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳда ташқи сиёсат юритаётгани боис хорижий давлатлар, айниқса, Финляндия билан дўстона ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида муҳим натижаларга эришмоқда. Ҳар икки давлат ўртасидаги музокараларда сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликнинг янги тенденциялари ишлаб чиқилмоқда.

Келгусида Ўзбекистон ва Финляндия ўртасида савдо, инвестиция, айниқса, таълим соҳаларида янада яқин ҳамкорликнинг гувоҳи бўламиз. Жумладан, давлат хизмати ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, таълим сифатини баҳолаш, таълимни бошқариш ҳамда олий таълим тизимида педагог кадрларни тайёрлаш каби муҳим йўналишларда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Ўрни келганда айтиш жоизки, Финляндия таълим соҳаси учун жуда катта маблағ ажратди. Бу жараёнда юқори малакали ўқитувчилар муҳим аҳамият касб этди. Умуман, ўқитувчилик Финляндия жамиятида нуфузли касблардан бири саналади. Шу боис ҳам ёшларнинг аксарияти ушбу касбни эгаллашга интилади. Таълимга тикилган маблағлар ноқулай иқлимига қарамасдан, Финляндияни ночор давлатдан билимга асосланган иқтисодиётга эга, яшаш даражаси юқори бўлган мамлакатлардан бирига айлантирди. Ўзбекистонда ҳам берилаётган юксак эътибор туфайли ўсиб келаётган ёш авлод ижобий ўзгаришлар ва чексиз имкониятларни амалда намойиш қилмоқда.

**Петри РАЙВО,**
**Финляндиянинг Карелия амалий фанлар университети президенти:**



— Карелия амалий фанлар университети Ўзбекистон олий таълим ташкилотлари, хусусан, Халқаро Нордик университети билан узоқ муддатли стратегик ҳамкорликни йўлга қўйди. Ўзбекистонга бу галги ташрифимиз Карелия ва Халқаро Нордик университети ҳамкорлигини янги амалий босқичга кўтаришга қаратилган тадбирларга бой бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир. Университетларимиз ўртасида тузилган битимни имзолар эканмиз, юртингизда олий таълим тизими фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш ва ёшлар манфаатлари, таълим-тарбияси йўлида ҳар томонлама узвий ҳамкорликка тайёр эканлигимизни маълум қилдик.

Финляндияда, шунингдек, жуда яхши ривожланган олий таълим тизими мавжуд. Ҳукуматнинг фаолияти замонавий ахборот жамиятини яратишга қаратилган, шунинг учун ўқув муассасаларимизда таълим энг юқори жаҳон таълим стандартларига жавоб беради. Олий ўқув юртларида фаол халқаро алоқалар ўрнатилган, яхши таълим шароитлари яратилган. Хорижлик талабалар учун дарслар инглиз тилида олиб борилади. Бакалавр босқичида ўқиш муддати 3-4 йил. Бу вақтда мутахассислик бўйича асосий ва факультатив фанлар ўрганилади. Финляндияда олинган диплом дунёнинг исталган давлатида меҳнат фаолиятини олиб бориш имконини беради. Магистрлик даражасини эгаллаш дастури 2 йилга мўлжалланган бўлиб, таълим давомида танланган мутахассислик бўйича фанлар чуқур ўргатилади. Ўқишни давом эттирганларга PhD даражаси берилиши мумкин.

Карелия университети ва Халқаро Нордик университети ўртасида иккита таълим йўналиши — Саноат менежменти ва Халқаро бизнес таълим йўналишлари бўйича қўшма дастур фаолияти йўлга қўйилди. Келгусида фин таълим тажрибалари асосида ушбу йўналишларда малакали мутахассислар тайёрлашни мақсад қилганмиз.

**Саму СЕИТСАЛО,**
**Финляндия Миллий таълим агентлиги директори:**



— Ўзбекистоннинг қатор давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда Финляндия Миллий таълим агентлиги ўртасида юқори даражадаги ва самарали алоқалар йўлга қўйилганлигини таъкидлаш жоиз. Айниқса, кейинги йилларда ҳар икки мамлакат таълимини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон ва Финляндия таълим тизими вакиллари ўртасида тажриба алмашишга қаратилган кўплаб семинар ва тренинглар ташкил этилди, Ўзбекистонда таълим сифати ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш орқали Европа олий таълим ҳудудига кириш жараёнларини такомиллаштириш, фин мутахассисларини жалб этишга эътибор қаратилмоқда.

“Финляндия таълим кечаси”да Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари билан ўзаро мулоқот майдони яратилди. Ушбу анжуман ҳар икки мамлакат таълим вакиллари иштирокида қўшма илмий ва академик лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро грантларда иштирок этиш, илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш мақсадларига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, бу галги ташрифимиз ҳам самарали кечмоқда. 2022 йил 8 августда Тошкентда очилган, фин моделига асосланган Халқаро Нордик университети билан меморандум имзоладик.

Университетда Фин тили ва маданияти маркази очилишидан ҳам эзгу мақсадлар кўзланган. Марказ фин маданияти дурдоналари, фин муаллифларининг китобларини ўзида жамлаган. Бу ерда яратилган муҳит келган кишига мўъжизалар мамлакати хусусида яхлит тасаввур беради.

Очилиш маросимида марказнинг фаолиятига оид режалар тақдимоти билан танишдик. Фин маданиятини акс эттирган безаклар, айниқса, кўнглимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Келгусида марказда икки нафар фин тили ўқитувчисининг илмий фаолият юритишига кўмаклашамиз.

Финляндия Миллий таълим агентлиги юртингизда таълимда сифат ва амалиётни рағбатлантириш, тизимни изчил ривожлантириш, жумладан, янги педагогик усуллар, ўқитиш жараёнлари, педагогик бошқарув, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, тадқиқ этиш, баҳолаш ва жорий қилиш ҳамда ўқитувчилар малакасини оширишни ривожлантириш каби мақсадларда доимо ҳамкорликка тайёрдир.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 241. 20 647 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.55 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6